




XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 17-NOYABR, PAYSHANBA, 48 (680)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

САЙЛОВ – 2016

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ХОРАЗМ, СУРХОНДАРЁ ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь кuni Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси С. Турманов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ислохотларни изчил давом эттириш, sanoatni modernizatsiya va diversifikatsiya қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олиш, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга доир стратегик мақсадлар ўз ифодасини топган. Давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик учун янада кенг йўл очиб бериш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш, фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, маҳаллийлаштириш дастурларини изчил давом эттириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти Қорақалпоғистон Республикаси ривожига ҳам яққол намоён бўлмоқда. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётди. Янги завод ва корхоналар, инфратузилма объектлари, замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда.

Маҳаллийлаштириш ва инвестиция дастурлари доирасида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Кўнгирот сода заводи, дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири – Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутмоқда. Сурғил кони негизда бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси Биринчи Президентимиз Ислам Каримов тасдиқлаган мамлакатимиз sanoatini кенг кўламли модернизация қилиш дастури доирасида амалга оширилди. Бу нефть-кимё соҳасида



нафақат Ўзбекистон, балки МДҲ ҳудудида узок муддатли молиялаштириш асосида ҳаётга татбиқ этилган дастлабки кенг кўламли лойиҳадир. Умумий қиймати 4 миллиард долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистиллати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда Нукус шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманлари марказидан сайловчилар иштирок этди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси "Нуроний" жамғармаси раиси Ш. Уснатдинов, меҳнат фахрийси Қ. Камолов, Мўйноқ тумани "Талиузак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Ўтамбетова, Эллиққалъа тумани фермерлар кенгаши раиси Э. Бобожонов, Амударё тумани "Баркамол авлод" маркази раҳбари Х. Ражабова, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси Г. Султонмуродова, Кўнгирот туманидаги "Қалдиғоч Мавлуда" сайёҳлик фирмаси раҳбари М. Ембергенова ва бошқалар тинчлик ва барқарорлик самарасида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиб, халқимизнинг

дунёқарши ва турмуш тарзи изчил юксалиб бораётганини қайд этди. Президент сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик талабларга тўла мос равишда ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 4 декабрь кuni бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь кuni Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Ш. Сафарбоев очди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар самараси Хоразм вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ялли ҳудудий маҳсулот 5,3 фоиз ўсган. Бунда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20 фоиздан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштириш 7 фоиздан ортгани муҳим омил бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши изчил ошиб, бугунги кунда 75 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди. Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислохот этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Унда давлат идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликка янада кенг имконият бериш, озуқабоп ва экспортбop экинларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Учрашув видео-конференция шаклида ўтди. Урганч шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди. Меҳнат фахрийси С. Исқандаров, "Давсувхўжаликназорат" давлат инспекцияси Хоразм вилояти бўйича инспектори К. Ортиқов, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Хўжаниёзова, меҳнат фахрийси Ж. Ўтамов, меҳнат фахрийси А. Вапаев, Хонқа педагогика ва спорт коллежи ўқувчиси З. Исмоилова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизни янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёнлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик таъминлашга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь кuni бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Давоми 2-саҳифада ➔

Инсон ҳаётда конференция, концерт, тўй ва бошқа турли тадбирларга таклифнома олиб туради. Лекин сайлов таклифномаси улардан буткул фарқ қилади. Айниқса, у мукамал кўринишга эга бўлса қалбимизга яна бир ифтихор туйғусини солиши шубҳасиз.

Сайлов таклифномаси – ифтихор рамзи

Оиламиз сайлов ҳуқуқига эга аъзоларининг ҳар бирига алоҳида ёзилган сайловга таклифнома бу йил ўзгача кўриниш касб этган. Уни қўлга олган одам нафақат ўзига бўлган эътиборни ҳис этади, балки шу сиёсий жараёнга муносабати янада жиддийлашади.

Ҳа, ўз овози аҳамиятга эга эканини англашдек буюк туйғунини бизга истиқлол тўғрисида эди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов асос солган мустақил давлатимиз тараққий этгани сари халқимиз нафақат энг яхши нарсаларга эга бўлмоқда, балки юксак ҳурмат-эътибор топаётди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг адолат таъмоили асосида ўтказилиши учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Суяржон Қурбонқулов. – Унинг асосий иштирокчилари – мамлакатимиз фуқаролари, сайловчилардир. Уларнинг сайловдаги иштироки тақдим этиладиган таклифномага ҳам боғлиқ. Таклифнома Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 28 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир таклифноманинг намунаси ва унинг таснифини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ чоп этилди.

Сайловга таклифнома аввалги йилларда чиқарилган таклифномалардан тубдан фарқ қилади. Эътиборли жиҳати, унда ҳар бир сайловчининг шахсан овоз беришига оид қонун нормасидан кўчирма келтирилгани ҳар бир сайловчини ўз ҳуқуқидан фойдаланишига даъват этиши шубҳасиз. Сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга оид маълумотлар ҳам илк бор сайлов таклифномасидан ўрин олган.



САЙЛОВГА ТАКЛИФНОМА

2016 ЙИЛ 4 ДЕКАБРЬ
ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

Сайлов таклифномасининг аниқ таснифига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига таклифнома А5 форматдаги қоғозга олинган ва орқа тарафига рангли бўёқлар билан чоп этиш орқали нашр этилган. Қоғознинг олд тарафи пастки қисмида ҳаворанг нақшли фоннинг марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тисмоли (эмблемаси), унинг тагида катта босма ҳарфлар билан "САЙЛОВГА ТАКЛИФНОМА" сўзлари битилган. Ундан икки поғона пастда сайлов бўлиб ўтадиган йил, кун ва ой санаси ёзма равишда ҳамда унинг пастда катта босма ҳарфлар билан "ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ" деган сўзлар ёзилган.

Қоғознинг орқа тарафи нақшкор ҳошияларга бўлинган. Нақшкор ҳошияларнинг тўртта бурчагида тўртта учбурчак шаклида миллий нақш намунаси акс эттирилган ва улар икки қатор чизиклар билан ўзаро бирлаштирилган.

Юқори нақшкор ҳошиянинг ички қисмида "Участка сайлов комиссияси Сизни 2016 йил 4 декабрь кuni ўз конституциявий ҳуқуқингиздан фойдаланишга – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга таклиф қилади" матни тўқ ҳаворанг рангда битилган.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ, ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди" сўзлари ёзилган.

Пастки нақшкор ҳошияларнинг ички қисмида имзо варақасини Марказий сайлов комиссиясига топшириш навбатига қараб, тартиб билан партиянинг номи ва унинг тисмоли ҳамда партия томонидан кўрсатилган Президентликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми жойлаштирилган.

Бу галги сайлов таклифномасини олган ҳар бир юртдошимиз истиқлолгача бўлган даврда кўпинча бундай таклифномалар жуда оддий, кўримсиз қоғозда чиқарилганини эслаши аниқ. Уйда нечта одам истиқомат қилиши, кимлар овоз бериши мумкинлиги эътиборга ҳам олинмай, дарвозадан бир чангал "номсиз таклифнома" ташлаб кетиларди. Оила бошлиғи уларни ва паспортларни олиб, уйдаги ҳамма учун овоз бериб келарди. Ҳозир аввал сайлов участкаси ходими ҳар бир хонадонда бўлиб, унда нечта одам истиқомат қилиши, кимлар овоз бериш ҳуқуқига эга эканлиги эътиборга олинган ҳолда рўйхат шакллантирилган. Шу асосда ҳар бир таклифномага сайловчининг исми фамилияси ёзилган. Уни сайловчилар рўйхати варақасига ҳар бир сайловчининг шахсан ўзи имзо қўйгач тақдим этилмоқда.

2016 йил 4 декабрь кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида мамлакатимизнинг 21,4 миллиондан зиёд фуқароси иштирок этади. Шу кунларда уларга сайлов таклифномаси тарқатилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



Мурожаатлар жавобсиз қолмаяпти

Тасаввур қилинг, уйингизга бирор ваколатли идорадан вакил келиб: "Давлатдан фалон миллион сўм қарзингиз бор экан, қачон тўлайсиз?", деса, қай аҳволга тушасиз? Газ, иссиқ сув, электр энергиясидан қарзим бўлса керак-да, деб ўйлайсиз, тўғрими? Айрим юртдошларимиздаги ана шундай хавотир ва ўзбекона андишадан ўз манфаати йўлида фойдаланмаётган баъзи бир амалдорлар борлиги эса хаёлингизга ҳам келмайди. Аммо гуруч курмакисиз бўлмайди, деганларидек, ишонувчанлигимиздан чўнтак қаппайтиришни ният қилиб юрганлар ҳам оз эмас. Бу ҳақда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига шикоят қилган сурхондарёлик Ишмамат Дониёровнинг гапларига қулоқ тутинг.

Давоми 3-саҳифада ➔

**Фазлиддин ҒОЙБНАЗАРОВ,
Олимпиада чемпиони:**

XASR

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ,
ЙИЛ ДАВОМИДА ЭНГ МАШХУР СПОРТЧИЛАР ҲАҚИДАГИ
КИЗИҚАРЛИ МАҚОЛАЛАРНИ ЎҚИЙСИЗ!

Мурожаат учун телефонлар:
(0-371) 215-63-80, 255-68-50

САЙЛОВ – 2016

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ХОРАЗМ,
СУРХОНДАРЁ ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

« Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 15 ноябрь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили А. Тошқулов очди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Сурхондарё вилояти ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,4 фоизга ошгани бунинг далилидир. Иқтисодиёт модернизация ва диверсификация қилинаётгани туфайли саноат тармоқлари кенгайиб, туманларда янги замонавий корхоналар ишга туширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг вилоят иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортмоқда. Шаҳару қишлоқларда янги уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда Биринчи Президентимиз бошлаб берган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг орзу-интилишларини рўйга чиқариш, давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ролини кучайтириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, янги-янги ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли,

ташаббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ҳалол, ўз Ватани ва халқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратишга қаратилган устувор вазифалар белгиланган.

Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини ривожлантириш, миллий валютаимиз, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини янада ошириш, унинг соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестициявий фаолликни кучайтириш, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қисқартириш, хусусий мулкни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, кўпун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтди. Термиз шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси Х. Тангриев, Ўзбекистон халқ шoirи С. Саййид, “Нуроний” жамғармаси Қизилқум тумани бўлими раиси Й. Бекназаров, бахши С. Шойдилов, меҳнат фахрийси Х. Тошбоев, Денов туманидаги “Меҳнат фаровон ҳаёт” фермер хўжалиги раҳбари А. Норбоев, Ангор маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Ф. Каримов ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизни янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили И. Аббасов очди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Қашқадарё вилояти ҳам изчил тараққий этмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 630 миллиард сўмдан зиёд-ни, ўсиш суръати 6,5 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 62,3 фоизга етди.

Мамлакатимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 11,2 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келаётди. Бу янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши, иш ўринлари кўпайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда даромадининг янада ошишига замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда мамлакатимизда ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий муҳофиза қилишда очкилик ва ошқораликни таъминлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорлик механизмларини кенг қўллаш, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд қўлайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш, иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестициявий фаолликни кучайтиришга доир стратегик мақсадлар ўз ифодасини топган. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аввало, қишлоқ аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтижини қондириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш, халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан

яхшилаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтказилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказларидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

“Нуроний” жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Я. Иноятлов, Қарши шаҳридаги “Хонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р. Зоҳиров, Қарши шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси О. Елисеева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Д. Раҳимова, Ф. Абдуллаев, Т. Бекназаров, “Нуроний” жамғармаси Нишон тумани бўлими раиси Х. Махсумов, Косон туманидаги 94-умумтаълим мактабининг “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси И. Шомуродова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА



СЎЗ – САЙЛОВДИ УЧРАШУВЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Шароф УСНАТДИНОВ,
“Нуроний” жамғармаси
Қорақалпоғистон бўлими раиси,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби:

– Бугун бу муҳташам залда ўтириб, бундан олти йил муқаддам айнан мана шу Шуманайда минг бир машаққат билан ўтган ёшлигим, халқнинг ўша кезлардаги қийин ҳаёти, бир ҳовуч оқ жўҳори олтинга тенг бўлган, дастурхонидан бир жуфт зогораси бор одам бахтли деб ҳисобланган дамларни эслаяман. Бугун бошли туманда биттагина “полторка” машина бўлиб, унда Хўжайли ва Нукусга отлансангиз, у йўлда етти жойда лойга тикилиб қоларди. Электр токи тугул жинчиқроқ учун керосин топиламас эди. Бугунги ҳаётимизга бир назар солинг. Биз қандай ажойиб юрда яшаймиз. Ўзбекистон жаҳоннинг жуда тез суръатлар билан ривожланаётган беш мамлакатдан бири бўлиб, буюк ва ойдин келажакка шахдам қадамлар ташламоқда. Номзодимизнинг сайловолди маърузасида бугун мамлакат ҳаётига янги мазмун бахш этишга оид ишончли марралар ўз аксини топган. Барчамиз бир бўлиб бу муқаддас ишга борлигимиз, бор куч ва имкониятларимизни бахш этамиз!

Пўлат КАРИМОВ,
Шуманай туманидаги “Аббоз болғали” фермер хўжалиги бошлиғи, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси:

– Партияимиздан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг дастурида давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроиктисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгилангани биз қишлоқ мулкдорларини жуда хурсанд қилди.

Шахсан ўзим бу йил пахта, бугдой, шולי, поллиз ва сабзавотдан юқори ҳосил олдим. Галдаги мақсадим эса кичик қайта ишлаш корхонасини қуриб, рақобатбардош, харидорбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни экспортга ўнатишдан иборат.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сирожиiddин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шoirи:

– “Алломиш” дostonида айтади:

**Шундай бўлди менга Ҳақдин фармонлар,
Жаҳонни сайр этиб кезган қарвонлар.**

Бизнинг қарвонларимиз дунёнинг барча манзилу маконла-



ЎЗА суратлари

рида маълум ва машҳур.

Оламага халқ ва Ватан номини машҳур қиладиган воситалардан бири адабиёт эканлиги ҳаммамизга маълум.

Адабиётнинг ҳам ўтмиши, бугуни ва келажиги бор. Ва у албатта, замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлмоғи керак. Хайрихоҳлик ҳам адабиёт учун нақадар зарур ва муҳимлигини айниқса, ижодкорларимиз яхши билишади.

Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастуридаги ёшларни таълим-тарбия, адаб ва ахлоқнинг битмас-туганмас ҳазинаси саналмиш китобга ва китобхонликка қайтариш, ҳатто яхши ва чиройли китобларни энг кўп ўқиган ёш китобхонларни моддий-маънавий томондан рағбатлантириш, ёш ижодкорларнинг уй-жой шароитини яхшилашдан тортиб, то қалам ҳақини оширишгача бўлган масалалар, ўзбек адабиётини кенг тарғиб қилиш бўйича билдирилган аниқ кўрсатма ва йўналишлар кенг адабий жамоатчилик қалбини қувончга тўлдирди.

Яна Сурхон воҳасига қайтадиган – муҳташам санъат саройи қурилиши, Амударё спорт-соғломлаштириш мажмуасининг бунёд этилиши, “Алломиш”нинг қулгоғига азон айтилган шу табарруқ тупроқда, бахшичилик тарихида ҳам, мамлакат тарихида ҳам биринчи марта воҳага ҳок бахшичилик мактабининг ташкил этилиши – элимиз томонидан катта гуруҳ ва ифтихор билан кутиб олинди.

Боболаримизда одам фарзандининг исми осмондан туширилади, деган буюк ҳикмат бор. Элининг, Ватанининг шаъну-шарафи ҳам эл-юрт тақдирига дахлдор инсонларнинг исми ва умри билан бирга берилади.

Хоним ТОШБОВЕВ,
меҳнат фахрийси:

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев билан видеоконференцияда шаклида ўтган учрашув биз бойсуниқлар учун ҳам таассуротларга бой тарзда кечди.

Номзоднинг сайловолди дастурида ҳаётимизнинг барча жабҳалари қамраб олингани ҳаммамизни қувонтирди. Туманимиз аҳолиси мустақиллик йилларида қўлаб қўлайликларга эга бўлди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан “Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган” темир йўлининг қурилиши ҳудудда саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Табиий газ, ичимлик суви таъминоти бўйича амалга оширилган лойиҳалар туфайли халқимиз турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Шавкат Мирзиёев мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар янада кенг қўламли давом эттирилишини таъкидлар экан, Бойсун туманининг салоҳияти, табиий иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ҳудуд-

да чорвачиликни ривожлантириш, фойдали қазилмалар, хусусан, газни қайта ишлаш корхонасини ишга тушириш бўйича ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди. Янги иш ўринларини яратиш, ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш, пировардида аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қиладиган ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишини биз бойсуниқлар қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш, тадбиркорлик ривожига талақит берардиган барча тўсиқ ва тековларни бартараф этиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда давлат хизматчилари томонидан сансалорлик ва масъулиятсизлик ҳолатларига бутунлай барҳам бериш, транспорт хизматини янада яхшилашга оид вазифалар ҳам ўрин олгани қувонарли.

Умуман олганда, мен Шавкат Мирзиёевнинг давлат бошқаруви ва ижро ҳокимияти фаолиятини юксак даражада ташкил этишда тажрибали ва жонқуяр раҳбар сифатида биламан ҳамда у кишининг номзодини қўллаб-қувватлайман.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Алишер БОЙҚАРАЕВ,
Китоб туманидаги “Севаз – Андроникс” хусусий корхонаси раҳбари, Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси:

– Куни кеча қадим Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига O‘zLiDePдан номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури хусусида сўз юритар экан, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини 2017-2020 йиллар мобайнида ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тез орада якунига етказилиши ҳақида ҳам сўз юртди. Экин майдонларини оптималлаштириш, пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириш, экспортга йўналтирилган мева-сабзавот, озиқ-овқат ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштирилиши кўпайтириш, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш шохобчаларини ташкил этиш ва сервис хизматлари кўрсатиш сингари йўналишларга асосий эътибор қаратилиши энг муҳим вазифалардан бири сифатида қайд этди.

Ушбу дастурда фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи, иқтисодиётимиз барқарор ўсишининг қафолати бўлган тадбиркорликни жадал ривожлантириш долзарб вазифа сифатида белгилангани мен каби минглаб ишбилармон ва фермерларни янги куч ва гайрат билан ишлашга ундамоқда.

Тадбиркорлик туфайли эл-юрт орасида обрў-эътибор топдим, нафақат ўз оилам, балки юзлаб оилалар фаровонлигини таъминладим. Обод мамлакатимизнинг бахтли келажиги, халқимиз маъмуриги бўлажак сайловдаги танловимизга боғлиқлиги ойдек равшан. Мен ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бардавомлиги, нурли ва бахтли келажак учун, муносиб номзодимиз учун овоз беришга аҳд қилдим.

ЖАРАЁН

Мурожаатлар жавобсиз қолмаяпти



Ислом ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси
аъзоси

Фермерлик ҳаракати – тараққиёт омили

✓ Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, давлатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз файзи бевосита ушбу тармоқ истиқболлига боғлиқдир.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловда дастурида ушбу соҳага янада кенг шарт-шароит яратиш масаласи энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Хусусан, 2017-2020 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ экин майдонларини оптималлаштириш, пахта майдонларини босқичма-босқич қисқартириш режалаштирилмоқда. Бу борада асосий эътибор экспортга йўналтирилган мева-сабзавот ва озиқ-овқат ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, кичик ишлаб чиқариш шохобчаларини ташкил этиш ва сервис хизматлари кўрсатишга қаратилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дунёнинг тараққий этган давлатлари таърибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракати юртимизда ҳам жуда қисқа даврда нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси, балки аграр соҳа ва у билан боғлиқ бошқа тармоқларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш учун маъсул янги ўз зиммасига олишга қодир бўлган қуд-

ратли ижтимоий-сиёсий куч сифатида майдонга чиқмоқда. Ушбу жараёнда фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инфратузилмасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этиш каби масалалар ҳам эътибордан четда қолмаётти. Дастурда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳага замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш, маҳсулотни сақлаш ва чукур қайта ишлаш инфратузилмаларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани фикримиз тасдиқидир. Бу эса фермерларга бир йўналиш билан чегараланмасдан бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, қўшимча тармоқларни ишлаб чиқариш, қишлоққа sanoatни олиб кириш, етиштирган маҳсулотини шу ернинг ўзида қайта ишлаш имконини беради. Айниқса, дастурда қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизимини такомиллаштириш ҳам ўз аксини топган бўлиб, бу ишларни амалга ошириш барқарор ҳосилдорлик, бутун агро-саноат комплексини ривожлантириш ва энг муҳими, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

« Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

– Қарийб бир йил муқаддам табиий газ тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммога дуч келдим, – дейди у. “Термизтумангазтаъминот” корхонасининг маҳалламизда фаолият кўрсатаётган назоратчилари менга тўсаддан тўловлар буйича катта қарздорлигини маълум қилишди. Улар 2 миллион 700 минг сўм миқдордаги қарзини тезда тўлашимни, акс ҳола уйимни газ тармоғидан узиб қўйишларини айтиб, пўписа қилишди. Ваҳоланки, газ ҳисоблагичдаги кўрсаткич буйича тўловларни вақтида амалга ошираётган эдим. Узимнинг ҳақлигини исботлаш мақсадида ўн ой “Жанубгазтаъминот” унитар корхонасининг “Термизтумангазтаъминот” филиалига ҳамда Сурхондарё вилояти газ таъминоти бошқармасига қатнадим. Ана шу фурсат давомида орамизда қонунларни менсимайдиган, ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўядиган кимсалар ҳали ҳам борлигига ишонч ҳосил қилдим. Улар мурожаатимга жўяли жавоб беришни исташмади, масалани чуқур ўрганиб, айбдорларни топишни пайсалга солаверди. Охири Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаат этдим. Мурожаатимдан икки кун ўтиб, мутахассислар, масъул раҳбарлар келиб, вазиятни ўрганишди. Хатога йўл қўйган назоратчи ва бошқа ходимлар тегишли тартибда жавоб беришди. Ортиқча ҳисобланган тўловлар айбдорлардан ундирилди дегани бўлди.

“Яқин кунларда бундай қабулхоналар Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг “Халқ қабулхоналари” сифатида ташкил этилади. Бу тизим фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини, фуқароларни қийнаётган муаммоларни жойида ўрганиб, ҳал этиш билан мунтазам шуғулланади. Шубҳасиз, бу ишларнинг тўғри йўлга қўйилиши партияимизнинг аҳоли ва сайловчилар ўртасидаги обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади. Энг асосийси, бундан эл-юртимизга наф бўлади, халқимиз барчамиздан ва давлатдан рози бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг VIII съездидаги маърузасида таъкидланган ушбу фикрлар халқимизнинг эртанги кунга, давлатга бўлган ишончини оширган шубҳасиз.

– Ана шу ишонч аҳолида ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш, жамият ҳаётига, ўз келажигига берадир бўлмаслик кўникмасини ривожлантиришга, – дейди O'zLiDeP Жиззах вилояти Кенгаши ҳузуридаги Бош вазир виртуал қабулхонаси бош консультанти Ак-



бар Якубов. – Натижада мурожаатлар сони кўндан-кўнга ортиб бораётди. Мисол учун, партия вилоят Кенгашида ташкил этилган виртуал қабулхонага ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида 287 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 246 таси жисмоний шахслар, 41 таси юридик шахслар томонидан йўлланган. Мурожаатларнинг 84 таси суд-ҳуқуқ, 61 таси қурилиш ва коммунал соҳаларга тегишли. Таълим соҳасида 33 та, соғлиқни сақлаш соҳаси буйича эса 17 та мурожаат келиб тушган.

Виртуал қабулхона орқали ўз муаммосига ечим топган Жиззах тумани Тоқчилик маҳалласи 18 уйда яшовчи Д. Қодировнинг қуйидаги мулоҳазаларидан Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси одамлар онгу тафаккурида “давлат халққа хизмат қилиши керак”, деган тушунчани шакллантириб бораётганини кузатиш мумкин.

– Истиқлолнинг илк йилларида белгилаб олинган “Ислоҳот – инсон ва унинг манфаатлари учун” деган тамойил бугун эришяётган ютуқларимизнинг бош омили бўлиб хизмат қилаётганини ҳаммамиз яхши англаб туришимиз, – дейди у. – Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг ўзини ўйлантираётган муаммоси, тақлиф ва мулоҳазалари билан ҳукумат раҳбарига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти яратилгани инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошириляётган ислоҳотларимизнинг мантиқий давомидир.

Косонсойлик Музаффар Юнусов ҳам ўз муаммосига Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси орқали ечим топди. У Ш. Мирзиёевга деҳқон хўжалиги учун ер ажратиб бериш масаласида ёрдам сўраган эди. М. Юнусовнинг бу мурожаати ўрганилди ва туман ҳокимлиги, тегишли идоралар билан биргаликда ушбу масала ижобий ҳал қилинди. Унга тумандаги “Исириқсой”

фермер хўжалигидан 0,35 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Таъкидлаш керак, O'zLiDeP Наманган вилояти Кенгаши қошидаги Бош вазир виртуал қабулхонасига мурожаатлар сони кўндан-кўнга ортиб бораётди. Жорий йилнинг 12 ноябргача 252 та мурожаат келиб тушиб, уларнинг 10 таси тадбиркорлик, 40 таси ҳуқуқий масалаларга оид бўлса, 14 таси банк ва молия муассасалари фаолияти, 16 таси меҳнат ва бандлик, 13 таси таълим ва спорт соҳасига доир. 43 та мурожаат ер ажратиш, 15 таси коммунал хизмат, қолганлари эса бошқа масалаларга тегишли. Мурожаатларнинг катта қисми ижобий этилди, баъзиларига эса тушунтиришлар берилган.

Халқимиз оғир пайтда суюган, кўнглини кўтариб, унга умид берган одамларни қадрлайди. Шу боис қабулхона эшигини қоқайтган фуқароларнинг баъзилари шикоят, айримлари миннатдорлик хати билан келяпти. Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро М. Исмоилова-нинг Бош вазир виртуал қабулхонасига ёзган мана бу хатига эътибор беринг: “Мен 20 октябрь кунини O'zLiDeP Наманган вилояти Кенгаши қошидаги Бош вазир виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим. Мени қабулхона ходимлари хушмуомалалик билан кутиб олишди. Муаммоларимни диққат билан эшитишди. Орадан икки кун ўтар-ўтмас, мени узоқ йиллардан буён ўйлантириб келган муаммо ижобий ҳал этилгани ҳақидаги хабарни олдим. Бош вазир виртуал қабулхона мутасаддиларига мингдан-минг раҳмат айтмоқчиман”.

Муҳиддин ЖАББОРОВ,
Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
Комилжон ФАЙЗОЕВ,
“XXI asr” мухбирлари

САЙЛОВ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига 17 кун қолди. Шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад бўлажак сайловни уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик асосида ташкил этиш, сайловчиларнинг сайлов қонунчилигига оид билимларини ошириш ва муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирокини таъминлашдир.

САЙЛАШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш буйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг пойтахтимиздаги филиали билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатига ҳам фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Марказий сайлов комиссияси, Олий суд вакиллари, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ўқитувчи ва талабалари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини кафолатлайдиган миллий сайлов тизимини яратилгани таъкидланди. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи тўлалигича таъминланганлиги, бу борада “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги қонун муҳим аҳамият касб этяётгани эътироф этилди.

Хусусан, қонунда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасига олинган бўлиб, ижтимоий келиб чиқиши, маъқеи, ирки ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар фуқаролар тенг сайлов ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган. Сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини назорат этишга эса йўл қўйилмайди. Шунингдек, сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, қолаверса, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бўлажак сайлов жараёнини ёритиш учун Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан 1 минг 210 нафар хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди. Давра суҳбатига иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

АКС-САДО

Сифатли ва арзон дори воситалари – саломатлик мезони

✓ Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори эълон қилинди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳа фаолиятини ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштиришга қаратилган мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ходжаева билан суҳбатлашдик.

– Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти ва саломатлиги энг олий қадрият даражасига кўтарилган. Бинобарин, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб эл соғлигини асраб-авайлаш, энг сунги талабларга жавоб берадиган тиббиёт инфратузилмасини шакллантириш, айниқса, аҳолини сифатли, кафолатланган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Аммо гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, ушбу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд эди. Хусусан, дори воситаларининг нархларини асоссиз ошириляётгани, шунингдек, бир хил дори воситаларининг нархларида катта фарқ борлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўляётганлиги. Бу эса дорихоналарда дори воситаларига нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш ва улар фаолияти устидан назоратни кучайтиришга доир зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди. Ушбу қарор тизимдаги ана шундай муносабатларни тартибга солиб, аҳолининг арзон ва сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Хусусан, қарорда, 2017 йил 1 январдан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз

ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олиннадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланган чекланган савдо устамалари қўлланилиши белгиланмоқда. Шу билан бирга, тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар жорий этилмоқда. Бу нархлар даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш буйича ташкил этиладиган Республика комиссияси томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун жаҳон нархлари конъюктурасини таҳлил қилиш асосида ўрнатилган тартибда ҳар чоракда белгиланади.

– Ушбу комиссиянинг фаолият қўлами ҳақида батафсил маълумот берсангиз? – Мамлакатимиз фармацевтика бозорининг, жумладан, республикамизда ишлаб чиқарилаёт-

ган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини тизимли равишда таҳлил этиш ва ўтказилган таҳлил асосида дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш, ички бозорни етарли даражада тўлдиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга масъул давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш ишларини амалга ошириш ушбу комиссия фаолиятига киради. Қолаверса, нархларни белгилаш буйича алоҳида тартиб ўрнатилмаган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш, рўйхатга киритилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларига ривожланиши назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва бошқа муҳим вазифалар ҳам ушбу комиссия зиммасига юклатилган. Юқорида кўрсатилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган квоталар буйича мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланиш лицензиясига эга улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида четдан харид қилинади. Қарорга биноан бундай тендерлар тартиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ўтказилади. Шунингдек, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланадиган ташкилотлар томонидан нархларни давлат томонидан белгиланган тар-

тибга рива этилишини бевосита назорат қилиш вазифаси топширилди.

– Оилавий поликлинника ёки даволаш муассасаларига борган беморнинг қўлига шифокорлар томонидан аксарият ҳолларда мамлакатимизга импорт қилинган қиммат дорилар рўйхати тўтқазилади. Айтинг-чи, қарорда бундай муаммоларнинг ечимини қай даражада акс этган?

– Таъкидлаш жоизки, мазкур қарорда дори-дармон воситаларини тўғри тавсия этиш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколлар стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очик бўлган ахборот тизимлари орқали етказиш, уларга рива этилишини қатъий назорат қилиш мақсадида халқаро амалиётга мувофиқ асосий касаликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини такомиллаштиришга доир вазифалар белгиланган. Бундан ташқари қарорда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шифокор рецептсиз бериладиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқлаш, юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш кўзда тутилган.

Умуман олганда, ушбу қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши ички бозорни арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан янада тўлиқ таъминлаш, нарх белгилаш буйича очик ва ошқора механизмнинг жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан, қиммат импорт дори воситаларини тавсия этиш буйича номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолларга йўл қўймайлик имконини беради. Бу эса биринчи навбатда аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ҳамда уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“XXI asr” мухбири
Акбар МУЗАФФАРОВ
ёзиб олди.

МУНОСАБАТ

Эркин иқтисодий ҳудуд

Имтиёз ва имкониятлар маконидир

✓ Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва изчил ўсиши унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқдир. Фақат шу йўлга мамлакатни иқтисодий ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашни таъминлай олади.

Бугун иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масалалардир.

Албатта, бундай вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутди. Бу эса инновацион фаолиятни ривожлантириш, илгор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш талабларини жорий этиш орқали рақобатбардошлигини ошириш, янги иш жойлари барпо этиш, малакали ишчи-муҳандислар, ҳўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш каби бир қатор муҳим жиҳатларни ҳал этиш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, эркин иқтисодий ҳудуд ҳўжалик юретишининг янги шакллари билан бири сифатида халқаро майдонда 1950 йилларнинг охирида ривожлана бошлади. Бундай ҳудудлар дастлаб АҚШ, Япония, Германия ва Буюк Британияда, кейинчалик эса Польша, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ташкил этилди.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш масаласи Хитой Халқ Республикасида 1979 йилда кўриб чиқилган бўлиб, ташкилотчиларнинг фикрига кўра эркин иқтисодий ҳудудлар "ташқи дунёга ойна" бўлиши керак эди. Ҳозирги кунда Хитойда ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳонда энг самарадор тизим ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар бўлиб, улар 140 га яқин мамлакатда жойлашган. Уларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 миллиард доллардан зиёддир. Айни пайтда эркин иқтисодий зоналарнинг жуда кўп турлари бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши

ҳамда глобаллашув жараёнининг таъсири натижа-сида улар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариб ва кўпайиб бормоқда. "Эркин иқтисодий зоналар" категориясига "эркин савдо зонаси", "маҳсус иқтисодий зона", "маҳсус индустриал зона" каби 30 дан зиёд номдаги маҳсус иқтисодий-маъмурий ҳудудлар кириши ҳам бунинг тасдиғидир.

Ҳўш, эркин иқтисодий зона деганда нима тушунилади? Бу мамлакат ичида давлат томонидан маълум бир иқтисодий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган, маҳсус иқтисодий ва маъмурий тартибга эга алоҳида ҳудуд бўлиб, унда фаолият юритаётган субъектлар учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар тақдим этиш демакдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, мамлакатимизда 1996 йилда "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонун қабул қилинган тарихий аҳамиятга эга бўлди. Чунки айнан ушбу қонун билан эркин иқтисодий зоналарда юридик ва жисмоний шахсларга ҳўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг инсталган турлари билан шугулланиш имконияти яратилди ҳамда ҳозирги кунда соҳа фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати сифатида хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда халқаро тажрибалар афзалликларини иқтисодий тузилмага жорий қилиш мақсадида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида"ги фармони ва асосан "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси мамлакатимизнинг марказий ҳудудида барпо этилгани шубҳасиз, мазкур ҳудуднинг иқтисодий-индустриал ўсишига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2012 йил 13 апрелда "Ангрен" маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида", 2013 йил 18 мартда "Жиззах" маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги фармонларига мувофиқ, мамлакатимизда навбатдаги эркин иқтисодий зоналарга асос солинди. Ушбу фармонларда белгилаб берилган чора-тадбирлар мамлакатимизда амалиётга изчил татбиқ этилаётган оқилона ва яхлит ижтимоий-иқтисодий стратегиянинг ажралмас қисми бўлиб, Ангрен ва Жиззах шаҳарларининг бугунги кунда ислоҳ этилаётган санаот тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 26 октябрда имзоланган "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эса эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, фармонга мувофиқ "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" маҳсус индустриал зоналари номини бириктириш мақсадида уларни "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари деб аталади.

Шунингдек, фармонда эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режими белгилаш, солиқ ва бошқа имтиёзлари, преференцияларни бириктириш, уларни муайян соҳага ихтисослашувини кўзлаб-қувватлаш ва уларда санаот кооперациясини ривожлантириш, "ягона дарча" тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга босқичма-босқич ўтиш, олий, ўрта маҳсус касб-хўнар таълими муассасалари талабаларини шу ҳудудлардаги корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташнинг назарда тутилган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш каби масалалар "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Фармонга кўра эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари: ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи,

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, республика йўл жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хўнар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан; ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хомашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, Ўзбекистонда

Эркин иқтисодий зона – мамлакат ичида давлат томонидан маълум бир иқтисодий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган, маҳсус иқтисодий ва маъмурий тартибга эга алоҳида ҳудуд бўлиб, унда фаолият юритаётган субъектлар учун бошқа ҳудудларга нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар тақдим этиш демакдир.

ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинди.

Ушбу ҳужжатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бугунги кунга қадар қабул қилинган қонун ҳужжатларида "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари учун инвесторлар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб имтиёзлар турлича муддатларга белгиланган эди.

Масалан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ҳўжалик фаолияти қатнашчилари учун киритган 3 миллион евродан 30 миллион еврогача инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, 7 йилдан 15 йилгача имтиёзлар белгиланган эди. Эндиликда мазкур фармонга кўра бу тартиблар янада соддалаштирилиб, юқоридagi имтиёзлар 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатда киритилган сармоялар миқдоридан келиб чиқиб белгиланди. Жумладан, 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга; 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга; 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларидан юқори ҳажмдаги инвестициялар сўнгги амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилди.

Шу билан бирга, фармонга кўра "Ангрен" ва

"Жиззах" эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари қўшимча равишда эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хомашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади ҳамда эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютлада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш, Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлари – резидентлари томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютлада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фармонга биноан, "Навоий" ва "Ангрен" ва "Жиззах" маҳсус индустриал зоналарининг маъмурий кенгаши тугатилиб, уларнинг ўрнига эркин иқтисодий зоналар маъмурий кенгаши ташкил этилади.

Эркин иқтисодий зоналар маъмурий кенгашининг асосий вазифалари сифатида ушбу ҳудудлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш, корхона ва ташкилотларни эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган ҳўжалик субъектларига эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиб бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, молиялаштириш манбаларини белгилаш, мустақкам кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга кўмаклашиш каби қўшимча вазифаларни ташкил этиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омил сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратилади.

Анвар УСМАНОВ,
Адлия вазири ўринбосари

Ўқув-семинар

✓ Сайлов сиёсий партиялар учун ўзига хос имтиҳон. Шу боис О'zLiDePнинг барча ташкилотлари ана шу синовдан муваффақиятли ўтиш учун қизгин тайёрлик кўраётди. Аҳоли ўртасида партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайлов олди дастурида илгари сурилган ғояларни тарғиб қилиш, унинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тушунтириш, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва савиясини ошириш каби вазифалар ташкил этилаётган тадбирларнинг бош мавзусига айланган.

Жойларда ўтказилаётган "Сайлов қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида О'zLiDePнинг иштироки" мавзусидаги ўқув-семинарлар партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари қошида тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳлари фаолиятини янада яхшилаб, аҳолининг сайлов ҳақида билимларини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

О'zLiDeP Наманган вилояти Кенгаши томонидан ўтказилган ўқув-семинарда сайлов кампаниясининг мазкур босқичи партия Сиёсий Кенгаши аппаратида тарғибот, бошланғич ташкилотларига бўлган бўғинлардан аниқлик, ишчанлик, ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштиришни талаб этиши алоҳида таъкидланди.

Семинарда партия вилоят Кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Иброҳим Саттаров сўзга чиқиб, сайловолди штабда 150 кишидан иборат тарғиботчилар гуруҳи фаолият юритаётганини таъкидлади. Эътиборга молик жиҳати, улар орасида сиёсатчи, иқтисодчи, депутат, зиёлилар кўпчилигини ташкил этади. Шунингдек, нотик ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайлов олди дастуридаги асосий йўналишларни сайловчиларга содда, тушунарли ва ҳаётий мисоллар билан тушунтириш зарурлигини қайд этди. Айниқса, бу босқичда сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларга сайлов қонунчилиги, унда иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқи ҳақида тушунчалар бериш тарғибот гуруҳи аъзоларидан алоҳида масъулият талаб этиши айтиб ўтилди. Бунда, албатта, тарғиботчиларнинг сиёсий билими, нотиклик маҳорати юқори бўлиши лозим.

– Ўқув-семинар биз учун жуда ҳам фойдали бўлди, – дейди Поп туманидан фаолият юритаётган тарғибот гуруҳи аъзоси

Тарғибот гуруҳлари сайловда ғалаба қозонишда муҳим ўрин тутди

Мелиқўзи Юнусов. – Сайлов қонунчилиги ва унга киритилган ўзгаришлар, сайловолди тарғиботини самарали олиб боришга қаратилган турли интерактив усуллар билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар сайловчилар билан ишлашимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, номзодимизнинг сайлов олди дастурида ёшлар тарбияси, бугунги глобаллашув даврида уларни "оммавий маданият", диний экстремизм, гиёҳвандлик сингари зарарли иллатлардан ишончли ҳимоя қилиш, мафкуравий иммунитетини мустақкамлаш каби вазифаларга устувор аҳамият қаратилган. Шундай экан, биз ҳам тарғибот ишларини амалга оширишда бу жиҳатларга эътиборни кучайтираемиз.

Сирдарёда бўлган ўқув-семинар ҳам ишчанлик руҳида ва баҳс-мунозараларга бой ўтди. "Ўзбекистон сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги", "Президент сайловида номзоднинг ишончли вакили ҳамда партия вилоят Кенгаши ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари", "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган масалаларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши", "Сайлов устакчалари ва овоз бериш жойларида сиёсий партиялар томонидан қўйиладиган кузатувчиларнинг вазифалари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари" каби мавзулардаги маърузалар иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини оширди. Тадбирда сўзга чиққан Гулистон давлат университетини ўқитувчиси, иқтисод фанлари доктори Аҳмад Маматов, фалсафа фанлари номзоди Равашан Маҳмудов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинимаси масъул ходими Азиз Эсонов бу каби маърузалар сайловолди ташвиқотини юқори савияда ўтказишга имкон яратишини таъкидлади.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилояти ҳам хар томонлама раванк топмоқда. Хусусан, 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсди. Вилоят иқтисодиёти таркибида санаотнинг улуши 2011 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич қарийб 24 фоизга етиши кутилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда юздан ортиқ янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилди ва бугунги кунга келиб уларнинг сони 259 тага етди. Бу корхоналар томонидан йилгига 2,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Сайловчиларга О'zLiDePдан партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий соҳада илгари сураётган фикрлари ана шу ўсишнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилишини тушунтириш кераклиги тавсия этилди.

Аҳолининг сайловга оид билими ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда сайловолди ташвиқотини юқори савияда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун партия тарғиботчилари сайлов қонунчилигини пухта билиши, кенг адиботи билан ишлаш, ёш сайловчиларни қамраб олишга

Янгибозор, Чандиробод, Дарғали, Човли, Қорақўл, Шўробод сингари кишлоқ фуқаролар йиғинларидаги тарғибот-ташвиқот гуруҳларида Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад-вазифалар мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган ўнлаб тадбирлар бўлиб ўтди. Айниқса, Собир Маматов, Нурмухаммад Юсупов, Адизжон Жумаев, Юсуф Рўзиев сингари партия фаоллари номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги устувор вазифалар ҳақида маъруза қилишмоқда.

– Сайловнинг ҳуқуқий асосларидан бири умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри ва яширин овоз беришдир, – дейди Самарқанд вилояти ҳам хар томонлама раванк топмоқда. Хусусан, 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсди. Вилоят иқтисодиёти таркибида санаотнинг улуши 2011 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич қарийб 24 фоизга етиши кутилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда юздан ортиқ янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилди ва бугунги кунга келиб уларнинг сони 259 тага етди. Бу корхоналар томонидан йилгига 2,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Сайловчиларга О'zLiDePдан партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий соҳада илгари сураётган фикрлари ана шу ўсишнинг давомийлигини таъминлашга хизмат қилишини тушунтириш кераклиги тавсия этилди.

Аҳолининг сайловга оид билими ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда сайловолди ташвиқотини юқори савияда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун партия тарғиботчилари сайлов қонунчилигини пухта билиши, кенг адиботи билан ишлаш, ёш сайловчиларни қамраб олишга

қаратилган замонавий, ноанъанавий усуллардан самарали фойдалана олиши муҳим аҳамият касб этади. О'zLiDeP Хоразм вилояти партия ташкилотининг туман бўлими қошида тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳлари аъзолари учун ўтказилган ўқув-семинар ана шундай сўзлар билан бошланди.

Партия вилоят Кенгашининг мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Шаҳноза Сайлова жараёнида О'zLiDeP томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида кўтарилган масалаларни оммавий ахборот воситаларида тарғибот қилиниши тўғрисида маълумот берди.

Шундан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда жойларда сайловолди ташвиқотини самарали ташкил қилишнинг усулларини ишлаб чиқашди.

Жиззах вилоятида бўлиб ўтган ўқув-семинарда ҳам мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиядан кўрсатилган номзоднинг ишончли вакили билан учрашувлар ташкил этиш, сайлов жараёнида партия электоратининг ўрни ҳамда партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида баён этилган вазифаларни телевидение, радио ва матбуот орқали тарғибот-ташвиқот қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Аҳолига номзоднинг сайловолди дастурида давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва хотиржамликни мустақкамлашга қаратилган устувор вазифаларнинг юртимиз тараққиётдаги аҳамиятини кенг тушунтириш лозимлиги қайд этилди.

Ўқув-семинарларда иштирок этган тарғибот гуруҳи аъзолари ўрганган билим ва кўникмаларини сайловолди кампанияси жараёнида ўзларига бириктирилган туман, шаҳар, маҳалла фуқаролар йиғини, корхона, ташкилот ва муассасаларда сайловчилар билан бўлиб ўтадиган учрашувларда номзоднинг тарқими аҳоли, бошқарув соҳасидаги кўп йиллик юқори малакаси, шахсий, инсоний хусусиятлари, юксак бунёдкорлик фаолиятини сайловчиларга яқиндан таништириш ва аҳолига етказиш малакасига эга бўлишди.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ИМКОНИЯТ

4 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВ КУНИ

Ишончли вакиллар сайловчилар ҳузурда

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказишяпти.

Ана шундай тадбирлар Бухоро вилоятининг Шофиркон, Ромитан, Пешку, Қоровулбозор, Когон, Қорақул туманларида бўлиб ўтди. О'zLiDePдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг ишончли вакили, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Самойдин Ҳусенов Жондор тумани сайловчилари билан учрашди. Тадбир иштирокчиларини номзоднинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурида илгари сурилган асосий гоя ва мақсадлар мазмун-моҳияти билан таништирди.

Бухоро халқаро аэропорти директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Тоҳир Бахронов, Халқ депутатлари Жондор туман Кенгаши депутати Жамол Ашуров, О'zLiDeP туман Кенгаши раиси Раъно Раҳимова ва бошқалар Президентликка партиямиздан кўрсатилган номзоднинг дастурида белгиланган вазифалар мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлашди. Шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар амалдаги қонунлар ва демократик тамойилларга мувофиқ кечаётганини таъкидлаб, сайловчиларни муҳим сиёсий жараёнда фаол қатнашишга ва муносиб номзодга овоз беришга чақирди.

Раҳбархон ИНОЯТХУЖАЕВА,
Бухоро юридик ва маиший хизмат кўрсатиш коллежи ўқувчиси

"GM Uzbekistan" акциядорлик жамияти Хоразм вилояти филиалида О'zLiDePдан Президентликка номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакили Кенжабой Ортиқов вилоятдаги сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

Ишончли вакил йиғилганларни номзоднинг сайловолди дастури билан таништирар экан, унда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ижтимоий инфратузилмаларни такомиллаштириш, бандликни таъминлаш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилганини маълум қилди. Бўлажак сайловда партиямиздан кўрсатилган номзодга овоз беришга чақирди.

Шаҳноза ЁҚУБОВА,
О'zLiDeP Хоразм вилояти Кенгаши мафкуравий, ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудири

О'zLiDePдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятидаги ишончли вакили, вилоят қасаба уюшмалари бирлашмаси раиси Камолетдин Акбутаевнинг Гулистон шаҳридаги сайловчилар билан учрашуви савол-жавобларга бой бўлди.

Ишончли вакил йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлар билан таништирди.

– Дастурда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча гов ва тўсиқларни олиб ташлаш, соҳага тўлиқ аркинлик беришга оид муҳим йўналишларнинг белгилангани тадбиркорлар кўнглидаги иш бўлди, – дейди тадбиркор Саодат Қорабоева. – Бошқача айтганда, мулкдорларнинг эркин фаолият олиб бориши учун яратилган имкониятлар кўлами янада кенгайтирилмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий тарқоқ ривожлантириш, янги иш ўрни яратиш, тадбиркор ва фермерларнинг сафи кенгайишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Шунинг учун мен сайловда ана шундай эзгу амалларнинг тарафдори бўлган муносиб номзодни қўллаб-қувватлайман.

Учрашув нўҳосида ишончли вакил сайловчиларни Президент сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев учун овоз беришга чақирди.

Нориниса ҚОСИМОВА,
"XXI asr" мухбири

Навоий шаҳридаги сайловчилар О'zLiDePдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакили – Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондиқ Санақулов билан учрашди.

Ишончли вакил 130 мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилаётган Навоий шаҳри аҳолиси номидан учрашувда иштирок этаётган сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди ва сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналиш ҳамда илгари сурилган долзарб вазифалар хусусида атрафлича сўз юритди.

– Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва илчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ҳудудларни комплекс ва изчил ривожлантириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган, – деди Қ. Санақулов. – Шундай экан, барчангизни шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлашга чақираман.

Учрашувда сўзга чиққан О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Шавқиддин Жамолов, "Триумф Горняк" МЧЖ раиси Валибой Файзиев ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган долзарб вазифалар ижроси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилажagini таъкидладилар.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

ТИББИЁТ

✓ Мустақилликнинг илк кунларида-ноқ аҳоли саломатлигини сақлаш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам кенг қамровли ислохотлар авж олди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлашнинг миллий модели яратилиб, кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасининг ошиши ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг яхшиланишига эришилди.



Соҳага эътибор шароитларда, аҳолини соғломлаштиришда акс этмоқда

Дарвоқе, катта авлод вакиллари жуда яхши эслашди: истиқлолгача нафақат олис қишлоқлар, балки шаҳарлар марказида жойлашган шифохоналарнинг ҳам деярли барчаси таъмирталаб, зарур дори-дармонларни топиш мушкул эди. Эндиликда замонавий тиббиёт муассасалари ва уларда кўрсатилаётган хизматлар сифати мақтагулик даражада ўзгарди. Ҳатто, олис қишлоқларда ҳам замонавий услубда қурилган қишлоқ врачлик пунктлари намунаги фаолият юритиб келмоқда.

– Айни пайтда ҳудудда 11 минг 727 ўринга мўлжалланган 44 та шифохона, 30 минг 758 беморни қабул қилиш қувватига эга 424 та амбулатория-поликлиника муассасалари, шу жумладан, 359 та қишлоқ врачлик пунктлари томонидан тиббий-санитария ёрдами кўрсатилмоқда, – дейди Самарқанд вилоят тиббиёт бошқармаси бошлиғи Баҳром Игамбердиев. – Шунингдек, бошқарма тизимидаги 44 та стационар муассасалар таркибига 2 та шаҳар ва 14 та туман марказий шифохонаси, 8 та ўринга эга диспансер шифохона ва 5 та марказ киритилган. Бундан ташқари, 1 та мустақил қон қуйиш станцияси, 18 та бошқа муассасалар таркибига кирувчи тез тиббий ёрдам бўлимлари, Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали, суд-тиббий экспертиза бюроси аҳолига хизмат қилмоқда.

Ҳар йили аҳоли ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилиб, беморларни даволаш ишлари амалга оширилмоқда. Узоққа бормаилки, биргина ўтган йили кўп тармоқли марказий поликлиникалар томонидан 1 миллион 55 минг 466 нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, касалликка чалинганлари амбулатор ва стационар шароитда даволанди. Табиийки, бу каби хайрли ишлар ўз мевасини бераётди. Профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш, касалликни эрта аниқлаш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида аҳолининг бирламчи касалланиш кўрсаткичи камайган.

Шу ўринда вилоятимиздаги тугруқ уйлари ҳамда бўлимлари реконструкция қилиниб, капитал таъмирдан чиқарилгани ва қўшимча жиҳозланган ҳолда тугруқ мажмуаларига айлантирилганини айтиш лозим. Ўтган йилларда вилоят бўйича 19 та тугруқ мажмуаси барпо этилди ва улар замонавий

перинатал технологиялар билан таъминланди, моддий-техника негизи мустаҳкамланиб, уларда замонавий тартибдаги "Бехатар оналик", "Она ва болага дўстона муносабат" тамойиллари асосида хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Чунончи, Пахтачи, Нарпай, Каттақўрғон, Пастдарғом, Оқдарё, Пайарик, Булунгур туманларида тугруқ мажмуалари тўлиқ реконструкция қилиниб, тубдан таъмирланди ва жиҳозланди. Самарқанд шаҳридаги 1-сонли тугруқ мажмуаси "Меҳр нури" жамғармаси томонидан 270 минг АҚШ доллари миқдоридagi юқори технологияли замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги бинога қўчирилди.

Чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда тугма ва бошқа касалликларни эрта аниқлаш мақсадида "Она ва бола скрининг маркази" ташкил этилиб, Япония гранти асосида умумий қиймати 14 минг АҚШ доллари миқдоридagi юқори технологияли "Delphia" алпарати, УТТ сканери ва лаборатория жиҳозлари ўрнатилди. Бу билан вилоят бўйича ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг текширувидан ўтказишни таъминлайдиган янги тизим яратилди. Бу саъй-ҳаракат тугмаи тугма нуқсонлар билан тугилган чақалоқлар сонини кичиратишга қўл келди.

Жорий йилда ушбу марказ ва аҳоли репродуктив маркази вилоят филиали 360 миллион сўм маблағ асосида янгидан реконструкция қилиниб, замонавий тарзда жиҳозланган бинога жойлаштирилди. Марказ юқори даражали рақамли, кўп мақсадли "Philips Clear Vue 55" диагностика ультраовуш қурилмаси билан таъминланди. Унинг ёрдамида ҳомиладор аёлларнинг 10 минг 157 нафари ўртасида перинатал ва 11 минг 600 нафар чақалоқларга неонатал скрининг ўтказилиб, 7 нафарда тугма гипотиреоз, 12 нафарда фенилкетонурия аниқланди.

Кейинги йилларда тиббиёт бирлашмаларида инвестиция доирасида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бу йил вилоятнинг 11 та ҳудудида, жумладан, Оқдарё туман тиббиёт бирлашмасига қарашли юқумли касалликлар бўлими ва поликлиникаси, Нуробод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шовишнинг, жароҳлик, болалар, терапия ва тугруқ бўлимлари, Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиника ва юқумли

касалликлар бўлими, Нарпай туман тиббиёт бирлашмасига қарашли терапия ва болалар бўлими, Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли терапия, юқумли касалликлар бўлими, Самарқанд шаҳар 2-сон ва 6-сон оилавий поликлиникалар, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят руҳий асаб касалликлари диспансери, вилоят руҳий касалликлар шифохонаси объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 29 миллиард 800 миллион сўм маблағ йўналтирилган.

– Бирлашмаимизда 2016-2018 йилларда инвестициявий дастур асосида янги қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган эди, – дейди Оқдарё туман тиббиёт бирлашмаси бош врач Сайфиддин Мўминов. – Жорий йил 250 қатновли кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда 30 ўринли юқумли касалликлар биноси ишга туширилди.

Эътиборли жиҳати, кўп тармоқли марказий поликлиника "Саломатлик – 3" лойиҳаси асосида 21 турдаги замон талабига мос тиббий асбоб ва ускуналар билан таъминланди. Авваллари поликлиника иккита бинода бири-бирдан 300 метр узоқ масофада катталар ва болалар поликлиникаси биносида фаолият юритар эди. Эндиликда уч қаватли, барча диагностика текширувларга мослашган лаборатория, рентгенхона ва бошқа ёрдамчи текширувлар билан бир жойда қурилган бинода тиббий хизмат амалга оширилмоқда. Юқумли касалликлар бўлимининг янги биноси ҳам туман тиббиёт бирлашмасидан унча узоқ бўлмаган ҳолда фаолият юрита бошлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қишлоқ врачлик пунктларининг таъмирланиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши соҳа ривожидagi яна бир муҳим қадамлардан бўлди. Мутахассисларнинг айтишича, жорий йилда ҳам 14 та қишлоқ врачлик пунктини таъмирлаш учун 3 миллиард 60 миллион сўм маҳаллий бюджет маблағлари йўналтирилди.

– Биз 8 минг 600 нафардан ортиқроқ аҳолига хизмат қилиб келаямиз, – дейди Нарпай туманидаги "Иттифоқ" қишлоқ врачлик пункти мудири Шохсанам Собирова. – Аввалги биноси жуда кўрimsиз аҳволга келиб қолган эди. Бугун эса унинг ўрнида кўркам бино пайдо бўлди. Энг муҳими, энди бирор дарддан шикоят қилиб келган беморлар лаборатория, қон таҳлиллари учун 16 километр масофа босиб, туман марказига бориши шарт эмас. Чунки, энди ўзимизда ҳам ЭКГ, лаборатория таҳлили ускунаси ўрнатилди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

ЁШ САЙЛОВЧИ

Ўқувчилик кезларимдан Азиза опамнинг аёллар учун нимча ва чопон, Мадина опамнинг эса замонавий парда тикишларига кўмаклашиб келаман. Торт ва пишириқлар пиширишни улардан ўрганганман. Бухоро шаҳрида каштачилик ва зардўзлик сирларини ўрганган Мафтуна опам ана шу соҳада менга уч йилдан буюн устозлик қилди. Атлас, адрас, кимхобдан аёллар сумкаси, тақинчоқ ва пардоз анжомлари, қўл телефони ва кўзойнак солиш учун миллий нақшлар билан безатилган ғилофлар тайёрлаймиз. Хотин-қизларга турли либослар тикиб берамиз.



Нафиса РАУПОВА,
Қизилтепа маиший хизмат кўрсатиш коллежи ўқувчиси

Менинг биринчи ОВОЗИМ

Ҳозирда Қизилтепа маиший хизмат кўрсатиш коллежининг сартарошлик ва декоратив косметика устаси йўналиши бўйича учинчи босқич ўқувчисиман. Жорий йилнинг апрель ойида 18 ёшга тулдим. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аъзо бўлдим ва партия томонидан ўтказилган "Ишбилармон талаба – 2016" стипендияси кўрик-танловининг вилоят босқичида учинчи ўринни қўлга киритдим. Танловда қўллаб-дўстлар орттирдим. Келгуси йилда О'zLiDePнинг "Диплом билан – бизнесга" лойиҳасида қатнашиб, ғолиб бўлиш ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашга қатъий аҳд қилдим. Тадбиркорлар учун берилган имтиёз ва преференциялар, яратилган шароитдан унумли фойдаланиб, миллий каштачилик, зардўзлик ва патдўзлик маданиятини ривожлантириш орқали юртимизни жаҳонга танитишга ҳисса қўшиш олий мақсадимдир.

Онажоним "Хунар, хунардан ризикинг унар" деган мақолни кўп такрорлайди. Хунарманд ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, хусусий мулк ва мулкдорлар синфининг гамҳўри бўлган энг нуфузли партияга аъзо бўлганимдан фахрланаман. Яқинлашиб келаётган Президент сайловида партиямиздан кўрсатилган номзод учун овоз бераман.

ЁШ ТАДБИРКОР

Изланишга ундайди

Неварасини боғчага олиб кетаётган Гулмира опа нон ва нон маҳсулотлари сотиладиган дўкондан иссиққина творогли пишириқ харид қилиб, эркатойи-га тутқазди. Ҳозиргина инжиқланиб турган Алишер кўзлари яшнаганча, ширинликни зўр иштиёқ билан ейишга тушди.

Қувалик тадбиркор Хожиакбар Хожи-матов дўконларга турли хил нон, мураббо, творог, ёнғоқ, майиз солиб тайёрланган маҳсулотлар тарқатиб, маҳалла-қўйнинг дуосини олмақда. У "Қуббо Принт Назиржон" масъулияти чекланган жамияти раҳбари сифатида тўртта йўналишда тадбиркорлик қилаётди.

– Болагимдан ушбу соҳага қизиқ-шим катта эди. Коллежда ўқиб юрган кезларимда О'zLiDePнинг партиявий лойиҳаларида иштирок этиб, бизнес-режа тузиш, банк кредитларидан фойдаланишни ўрган-дим. Қийинчиликка дуч келган пайтларим ҳам бўлди. Бундай пайтда яқинларим мени қўллаб қувватлади, – дейди у.

Дарҳақиқат, "Қуббо Принт Назиржон" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган турли буклет, китоб, буюк алломаларимизнинг сурати туширилган дафтарлар жуда харидорғир. Хожиакбар ўтган йили О'zLiDePнинг "Тадбиркорлар ва мулкдорлар синфига бе-

раз ёрдам кўрсатаётган, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда фаол иштирок этаётган бошланғич партия ташкилоти раиси" номинацияси, "Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг Қубба тумани босқичи ғолиби бўлди. Ўзи раҳбарлик қилаётган корхонада О'zLiDeP бошланғич партия ташкилотини ташкил этиб, қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ҳақиқатда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" туман филиалидан 150 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, хориддан қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологиялар олиб келди.

– Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоятларида намунали уй-жойлар қурилмоқда, – дейди Хожиакбар. – Уларни қўриб баҳри дилнингиз очилади. Мана шундай эзгу ишларга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Дилноза НОМОЗОВА,
"XXI asr" мухбири

МОҲИЯТ

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

Фермер ёшларга суюнамиз

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Нукус агро-иқтисодиёт касб-хунар коллежида "Ёш фермер" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

– Бугунги кунда республикамиз бўйича 16 минг 600 дан ортиқ сафдошимизнинг 8 минг 700 дан зиёдини ёшлар ташкил этади, – дейди O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудри Муҳаббат Ахназарова. – Улар партия мақсад ва дастурларини тарғиб этишда фаол, лойиҳаларга бўлган қизиқиши катта.

18 дан 35 ёшгача бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этган мазкур танлов натижаларига кўра, Кегайли туманидаги "Мадрейм Шаудир" фермер хўжалиги раҳбари Баҳадир Сапартаев биринчи, Хўжайли туманидаги "Султан Қандекли" фермер хўжалиги раҳбари Полат Изимбетов иккинчи, қораўзаклик фермер Аралбай Жолдасов учинчи ўринни эгаллади.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати

Тўғри танлов – ишонч мезони

Ҳазорасп туманида O'zLiDeP Хоразм вилояти Кенгаши ташаббуси билан "Бугунги тўғри танлов – эртанинг ишончли қудрати" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Партия фаоллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда сайлов жараёни, унинг ҳуқуқий асослари ва мазкур жараёнда ёш авлоднинг фаоллигини ошириш хусусида сўз юритилди.

– O'zLiDeP тадбирларида илк бор иштирок этаяпман, – дейди O'zLiDeP Хоразм вилояти Кенгаши бошланғич партия ташкилотининг янги аъзоси Машарип Нибозметов. – Партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури менда катта таассурот қолдирди. Эртанги кунимизнинг янада фаровон, файзли бўлиши учун муносиб номзодимизнинг бутун куч-салоҳиятини ишга солишига ишонаман.

Мафтуна РЎЗИМАТОВА

Тараққиёт тарафдоримиз

Наманган шаҳридаги Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида O'zLiDeP-дан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Биз тараққиёт ва ёрқин келажак учун овоз берамиз!" номли ташвиқот акцияси бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежи ва академик лицейларнинг 500 нафарга яқин ўқувчи ва талабалари иштирок этишди. O'zLiDeP вилоят Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Солижон Мўминов партиядан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиш ва касб-хунар эгаллаши, тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун яратиладиган шароитлар, имтиёزلарга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Тадбир давомида Наманган санъат коллежи талабалари ижросида қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этиладиган арзон ва сифатли уй-жойлар ёш оилалар учун ажойиб совға бўлишини ифода этувчи саҳна кўриниши намойиш этилди.

O'zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши Матбуот хизмати

O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими томонидан "Оила ва юртимда барқарор тинчлик, фаровонлик учун овоз бераман" мавзусида бепул тиббий кўрик ўтказилди.

Андижонда хайрия тадбири

– Фарзандим Алибекни эндокринолог Гулзира Нурматова текширувдан ўтказиб, зарур маслаҳат берди, – дейди Шоирахон Қосимбекова. – Қолаверса, тадбир давомида O'zLiDePдан кўрсатилган номзод Ш. Мирзиёевнинг таржимаи холи, сайловолди дастури билан яқиндан танишдим.

– Мана шундай тиббий кўриқни ташкил этган партия мутасаддиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман, – дейди 78 ёшли Кимёхон Анорбоева. – Оёғим тез-тез оғирди, ревматолог ёзиб берган дори-дармонлар дардимга дармон бўлишига ишонаман.

Хайрия тадбири давомида Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳарлари, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган барча ёшдаги 2 минг 200 нафардан ошқ киши бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Ўз мухбиримиз



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири:



– Менинг туғилиб ўсган, болалигим ўтган жойлар Қарши (қадимги Насаф) шаҳридан беш-ўн чақирим шимолроқ томондаги Кўнғиртов этакларидир. Кўнғиртов дегани у ерда дов-дарахт йўқлиги, кўринишининг кулранг-кўнғир тусда бўлганлигидандир. Кўнғиртовда ягона шўр сувли булоқ бор, уни Кўтирбулоқ дейдилар. Чунки унинг шўр, тузлик сувидан одамлар турли дардларига шифо топиб юрадилар. Геолог дўстларимизнинг айтишларига қараганда, у ниҳоятда эски тоғнинг қолдиғи, чўкирталари экан. Бу тоғнинг нариги томони Самарқанд, бериги томони Бухорои шарифга юз тутиб турибди. Боболаримизнинг айтишича, қайси бир замонларда Навоий бобомиз Самарқанддан Бухорога ана шу Кўнғиртовни ошиб ўтган эмишлар. Албатта, бу гаплар халқнинг хотирасида ўқтин-ўқтин чакнаб турадиган хаёл учқунлари бўлиши мумкин. Қишлоғимизнинг номи Неқўз дейдилар. Унинг маъносини мен яхши билмайман. Ҳар ҳолда у қадимий ўзбек уруғларининг бир шохобчаси бўлиши мумкин. Дарвоқе, Амир Темури бобомизнинг оналарини Неқўзбегим ҳам деганлар.

Энди биринчи шеърлар ёза бошлаганимга нима туртки бўлганини аниқ билмайман. Ҳар ҳолда сўзларни қояйлашга ишқибоз бўлиб қолганим эсимда. Балки эриқанимдан, балки завқим тошиб, ниманидир ёзгим келаварди. Фикр эса йўқ, Ёзмастикнинг ҳам иложи йўқ... У маҳаллардаги менинг шеърларим мавзу тарафдан ҳам, шаклий жиҳатдан ҳам, албатта тақлид эди... Шеърларим аввал туман, вилоят газеталарида босилиб турган бўлса-да, биринчи марта республика газетасида "Қушча" деган шеърим босилиб чиққан. Мен шеърим чиққан кун бу газетани "Тўқимачилар саройи" кинотеатрида кўриб қолганман. Бу орада қанчадан қанча шеърларим, тўпلامларим чоп этилди. Бироқ, илк шеърим босилиб чиққан ўша дақиқалар, унинг қувончи сира-сира эсимдан чиқмайди. Балки бу ҳам адабиётдаги биринчи муҳаббат нашъасидир.

Шеърларим матбуотда тез-тез босила бошлади. Озод аканинг "Оқ йўли" билан "Шарқ юлдузи" да шеърларим чиқди. Ёзувчилар уюшмасида мушоиралардан бирида "Муножотни тинглаб", "Бургут" деган шеърларимни ўқидим, ўша кунни Абдулла Қаҳҳор назарига тушдим. Миртемир домла атрофида кўп шоғирдлари қатори сабоқ олдим. Шайхзодадек донишманд устозга эргашиб у киши шеър ўқиган минбардан мен ҳам шеър ўқидим. Эсимда, Эски шаҳардаги ҳозирги "Турон" кутубхонасида ўқиган шеърларимни тингловчилар жуда илиқ кутиб олдилар. Учрашувдан қайтаётганимизда Шайхзода

домла билагимдан тутиб, "Шоир, сизга битта гапим бор. Эҳтиёт бўлгйсиз, ишқилиб қарсақлардан талтайиб кетмасангиз бўлгани" деган. Бу гаплар ҳам менинг қулоғимга кўргошондай қуйилиб қолди...

...Менинг деярли ҳар бир шеърим ҳаётдаги маълум бир воқеа, ҳодиса билан боғлиқ, жунроқ қилиб айтганда, ҳар бирининг турткиси бор. Масалан, "Аёл" деган шеърим урушдан қайтмаган амакиларимнинг беваларига бағишланган. Мен уларнинг изтиробларини кўриб, кузатиб улғайганман. Ёхуд "Ўзбекистон" қасидасининг ёзилиши-чи? Бунинг ёзилишига нима туртки бўлган, дейлиши мумкин. Гап шундаки, Ватанинг бутун Совет Иттифоқи деб ўқтириб турилган бир пайтда, менга Ўзбекистон нима бўлди экан, деган савол юрагимнинг тубида пайдо бўлиб, ҳойнаҳой, "Ватаним – Ўзбекистон" деб шеър ёзган бўлсам, тилимизнинг ҳар қадамда ерга урилаётганини кўриб "Она тилимга" номли шеърни ёзганман. Ишхонамиз ёнида бир сассиқ ҳовуз бўлиб, унда уч-тўртта тилла балиқ оғзини қаппа-қаппа очганча ўлар ҳолда кун ўтказарди. Бошқа шоирлар қатори ўша балиқларнинг ҳолига ачиниш, мен ҳам "Тилла балиқча" деган шеър ёзиб, балога қолганман. Эмишқи, сассиқ ҳовуз деганда совет тузумини назарда тутганман. Демакким, ҳақиқатдан ҳам бир гап бор эканки, арқон уларнинг кўзига илон бўлиб кўринибди...

Дунёда мавзу шу қадар кўп эканки, уни танлаб олишда муаллиф гоҳ шовиб қрилиши мумкин. Масалан, халқимизнинг шонли тарихини ҳали юз-икки юз йилда ёзиб адо қилиш қийин. Лекин ёзувчининг оддий тарихнавис, йил-номачидан фарқи бор. У кўпроқ ўз муайян гоғларига мос келувчи мавзуларни излайди. Шу маънода асрлар буйи камситилган, ҳақоратланган Амир Темури бобомизнинг образи менинг учун халқнинг обрў-эътиборини, қадрини белгилувчи образ бўлиб кўринди. "Соҳибқирон" асаримни ўтмишга боқиб, бутун учун ёзганман.

Узоқ йиллик ижодий тажрибамдан ҳулоса шулки, ижодкор истеъдодининг даражасидан қатъи назар, иложи борича ўзини ёлгон-яшиқдан олиб қочсин. Иложи борича, катта ва кичик ҳақиқатларни бир-биридан фарқлай олсин. Яъни ҳар доим ҳам ўзининг шахсий кечинмаларини бутун бир халқнинг кечинмалари деб эълон қилишдан ўзини тийсин. Аксинча, халқ дардини ўзининг шахсияти фильтридан ўтказса билсин. Ўзининг шахсий дардини халқники деб эмас, балки халқнинг дардини ўзиники деб билсин.

2012 йил

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

ZAZ Forza, дв: 109 л.с. – бензин/газ

SUPER-AVTO

Нива Бизнес – пикап, 4x4, дв: 80,92 л.с. – бензин/газ

ТўЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.

www.sardor-avto.uz

Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Бебаҳо

бойликка безътибор бўлмайлик

✓ Энергетика ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш иқтисодиётимиз тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади. Шуларни ҳисобга олиб, биз ҳам ўз ички имкониятларимизни қайта кўриб чиқаяпмиз. Андижон вилоятининг бир қатор ҳудудлари каби Марҳамат туманида ҳам куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Жумладан, аҳоли, корхона ва ташкилотларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш диққат марказимизда турган масалалардан биридир. Жойларда нҳуш ҳодисаларга йўл қўймастик чоралари кўриляпти. Қиш мавсумида чекка ҳудуд-

ларни белгиланган жадвал асосида суултирилган газ баллонлари билан узлуксиз таъминлаш назарда тутилган. Барча хонадонлардаги газ ускуналари техник кўриқдан ўтказилди.

Шунингдек, аҳоли ва улғуржи истеъмолчилар ўртасида қишга тайёргарлик, мавжуд захира ёқилгидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Тумандаги "Машъал", М. Тожибоев номли, "Пахтакор" мавзёлари, Марҳамат шаҳар фуқаролар йиғини ҳудудларидаги газ қудуқлари жорий таъмирланди.

Айни пайтда табиий газ узлуксиз етказиб бериладиган ҳамда суултирилган газга мослаштирилган ҳудудлар аниқланиб, уларга масъул ходимлар бириктирилмоқда. Суултирилган газ баллонларини ташиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш учун

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА



махсус автотранспорт воситалари ажратилган.

Ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш туфайли табиий газдан тежабкорлик билан фойдаланишга эришилмоқда ва эҳти мол тутилган салбий ҳолатларнинг олди олинмоқда.

Куз-қиш мавсумида бу масалага эътибор янада кучайтирилади. Газ қурilmалари ва тармоқларига ўзбошимчилик билан тегмаслик, улардан ноқонуний фойдаланишга йўл қўймастик юзасидан кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Қолаверса, фойдаланилган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ҳам долзарб масаладир. Зеро, табиий газ бебаҳо бойлигимиздир.

Ботир АБДУЛЛАЕВ,
"Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Марҳамат филиали бош муҳандиси

Хизматлар лицензияланган 16-405

ЭЪЛОН

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент вилояти минтақавий филиали ўз эҳтиёжлари учун 2 тадан 55 дюйм ҳажмга эга телевизор ва 24 дюйм ҳажмли кондиционерлар сотиб олади.

Телефон: (0-371) 150-79-09. Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6/7.

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ITIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Соҳибжон ТУТДИЕВ	Қўвчиқ САНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Лайшар СУЛТОНОВ	Алҳам ШОДМОНОВ
Абдулмажид КАРИМОВ	Расул КУШЕРБАЕВ
Айшар ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Иббол МИРЗО	Безмат ОҒИЛОВ

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

"XXI asr" иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 6 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1166 Тираж: 9637
Баҳоиси келишилган нарҳда.
ЎзА якуни – 20:23
Топширилди – 02:30

Тахриратта келган қўлималар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан сарфланган.

ISSN 2181-477X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5

Набатчи муҳаррирлар:
Б. ИСРОИЛОВ, Х. САЛОМОВ